

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**71** Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил  
13 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2200-2*

*(2012 йил 1 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1675-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 52-сон, 561-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги **қарор қиладилар:**

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.*

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлигининг 2011 йил 2 февралдаги 2011-5, 6-сонли қарори билан тасдиқланган «Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низомнинг (рўйхат рақами 2200, 2011 йил 23 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 7-8-сон, 79-модда) 5-иловасидаги жадвал қуйидаги тахрирда баён этилсин:

Т/р	Кўрсаткич номи	Умумий тушумларга нисбатан фоизларда
1.	Давлат бюджети	22,8
2.	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	77,2

2. Ушбу қарор 2012 йилнинг 1 мартдан қучга киради.

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

**Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 30 январь,  
2012-5-сон

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 30 январь,  
6-сон